



ТАЛАБАЛАРДА КРЕАТИВЛИКНИ БАҲОЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Тулишов Ф.

ЎзМУ катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: ижодкор шахс, креатив шах, шахс ижодкорлиги, ижодий тафаккур.

Ключевые слова: творческая личность, креативная индивидуальность, личностная креативность, креативное мышление.

Key words: creative personality, creative personality, personal creativity, creative thinking.

Ижодий тафаккурга қандайдир даражада ҳар бир одам эга. Образли тафаккур устивор бўлган болаликда бу қобилият рсмларда, қўл остидаги материаллардан яшашда кўпинча номоён бўлади. Ўсмирлик ёшида кўпчилик шеър ёзади, вояга етганда у ҳар хил даражали амалий масалаларни ечишда ёрдам беради. Шунга қарамасдан, биз ҳар бир одамни ижодкор шахс деб айта олмаймиз.

Ижодкор шахс деб, одатда илмий кашфиёт, буюк ихтирони амалга оширган ёки санъат асарини яратган, яъни кўпчилик томонидан юқори баҳоланган ижодий ишни бажарган шахсни ва шунингдек, борликни идрок этишда ва унга қарашда ноодатий бўлган шахсга айтилади.

Ижодкор шахс – ижодий жараёни муваффақиятли амалга ошира оладиган ва аниқ ижодий натижа (маҳсулот)ларга эга шахс.

Креатив шахс – жараён ёки натижа сифатида ижодкорликни намоён этувчи, масалаларни ечишга ностандарт усуллар билан ёндаша олишга мойил, ўзига хос ҳаракатларни ташкил этиш, янгиликларни илгари суришга, ижодий маҳсулотларни яратишга лаёқатли ва тайёр шахс.

Узоқ вақт довомида интеллектуал ижодиётга бўлган қобилиятлар соғлом ақл айтиб берганидек, яъни ақлий қобилиятлар қанчалик юқори бўлса, бундай шахсинг ижодий мақоми шунча юқоридир деган фикр асосида олиб борилган эди.



Креативлик сифатлари шахсда бирданига ривожланмайди. Одатда у ҳар бир шахсда болаликдан намоён бўлади. Гарчи креативлик болаларнинг фаолиятида тез-тез кўзга ташлансада, бироқ, бу ҳолат болаларнинг келгусида ижодий ютуқларни қўлга киритишларини кафолатламайди. Фақатгина улар томонидан у ёки бу ижодий кўникма, малакаларни ўзлаштиришлари зарур деган эҳтимолни ифодалайди.

Шахс креативлигининг асосий белгилари бўйича турли олимларнинг қарашлари қўйидагича:

Э.П.Торренс:

1) саволлар, камчиликларга ёки бир-бирига зид маълумотларга эътиборсиз бўлмаслик;

2) муаммоларни аниқлаш учун ҳаракат қилиш, илгари сурилган таҳминлар асосида уларнинг ечимини топишга интилиш

Патти Дрепеау:

1) ижодий фикрлаш кўникмаларини намоён этиш;

2) инновацион ёндашув ва педагогик масала (муаммо)ларнинг ечимини топишга креатив ёндашиш;

3) кутиладиган натижа

Креатив тафаккурга эга талабалар:

– бошқа талабаларнинг ҳаёлига келмаган ғояларни билдиради;

– ўзларини ифода этишнинг ўзига хос услубини танлайди;

– баъзан мавзу алоқаси йўқ ёки ғайриоддий саволлар беради;

– ечими очик қолган вазифалардан завқланади;

– ғояларни аниқ далиллар асосида муҳокама қилишни афзал кўради;

– муаммонинг ечимини топишда ноанъанавий ёндашувни танлайди

Ижодкор шахснинг индивидуал сифатларини текширишда эмпирик ёндашувга асос солган олим Ф.Гальтон бўлиб, у Ч.Пирсон билан биргаликда интеллект ва креативликнинг ўзаро алоқадорлигини тестлардан фойдаланиб тадқиқот қилишди. Бу ерда креативлик деганда энг аввало, дивергент тафаккурга қобилият тушунилар эди. Эмпирик тадқиқот натижасида Э.Торренс [5] IQ ва креативлик даражалари орасида ижодий коррекция мавжудлиги тўғрисида чиқарган хулосалари қуйидагича тасдиқланди: юқори интеллект даражаси креативлик тестлари бўйича синалувчида юқори кўрсаткичлар бўлади, лекин юқори ривожланган интеллект намоёиш этган шахслар орасида креативликнинг паст даражали учраши ҳам мумкин. Шу билан бир вақтда уларнинг тадқиқотлари паст IQ да юқори дивергентли маҳсулдорлик ҳеч қачон учрамаслигини кўрсатди. Э.Торренс ҳатто интеллектуал бўсаға назариясини таклиф этди ва у

қуйидагидан иборатдир: IQ 115-120 баллдан паст бўлганида интеллект ва креативлик фарқланмайди ва ягона факторни ҳосил қилади, IQ 120 дан юқори бўлганида ижодий қобилиятлар ва интеллект эркин (боғлиқмас) факторлар бўлади[5].

М.Валлах ва Коган кейинги тадқиқотларида тест методини қўлланишди, бироқ уни креативлик номоён бўлиши учун қулай шароитларни ҳисобга олиб модификациялашди: улар вақт лимитларини олиб ташлашди, тестларни бажариш жараёнида иштирокчиларнинг мусобоқалаштиришларини минимумга келтиришди ва жавобнинг тўғрилиги ягона критерийси чекловини олиб ташлашди. Натижада улар бундай хулосага келишди: Тадқиқотлар давомида одатдаги ҳаётий вазиятларга энг яқин шароитларга риоя қилинганда креативлик ва тестли интеллект коррекцияси нолга яқин бўлади. Ҳақиқатан ҳам, одам интеллект бўлиши мумкин, лекин креатив бўлмаслиги мумкин ва аксинча. Жумладан, масалан, Левинсон-Лессинг ижодий кам маҳсул олим - эрудитларни ва ижодий сермаҳсул олимларни ажратган эди.

Бундан ташқари, турли муаллифлар томонидан креатив шахсиятнинг турли моделлари ишлаб чиқилган эди. Масалан, Гештальт психологияда ижодкорнинг ақлий тузилишига қуйидаги талаблар мажбурий ҳисобланар эди:

- одатлар билан чекланган бўлмаслик;
- сизга ўргатишган нарсани шунчаки ва қулларча такрорламаслик;
- механик саъй-ҳаракат қилмаслик;
- муаммоли структуранинг чегараланган қисмига диққатни жамлаб, саъй-ҳаракат қилмаслик;
- вазиятнинг ички муносабатларини топишга ҳаракат қилаётганда хусусий операциялар қилмасдан, балки эркин, янги ғоялар учун очик ақл билан операциялар бажариш.

Э.Торренс креатив шахсга хос 4 та асосий сифатни ажратган оригиналлик, нотривиаллик, айтиладиган ғояларнинг ноодатийлиги, интеллектуал янгиликка ёрқин ифодаланган интилиш. Ижодкор шахс деярли ҳамма ерда ва ҳамма вақт бошқаларникидан фарқли ўз ечимини топишга интилади.

Гилфорд креативликнинг 6 та параметрини ажратган.:

- муаммоларни топиш ва қўйиш тўғрисидаги қобилият;
- катта сондаги ғояларни англаш қобилияти;
- мослашувчанлик - хилма-хил ғояларни яратиш қобилияти;
- оригиналлик- қўзғовчиларга ностандарт жавоб бериш қобилияти;
- объектни деталарни қўшиб такомиллаштириш қобилияти;



– муаммони ечиш қобилияти, яъни анализ ва синтезга қобилият.

Стенберг фикрича, ижодий шахсият қуйидаги индивидуал хислатларга эга бўлиши лозим:

- ақлли таваккалга бориш қобилияти;
- тўсикларни енгиш тайёрлик;
- аниқмаслик ва толерантлик (бағри кенглик);
- атрофдагилар фикрига қарши туришга тайёрлик.

А.Олах ижодий кишиларга хос бўлган қуйидаги шахсиятли хислатларни кўрсатади:

- эркинлик - шахсий стандартлари гуруҳ стандартларидан муҳимроқ, баҳолар ва хулосаларнинг ноқонформлиги;
- ақлнинг очиқлиги- ўзининг ва ўзгаларнинг фантазияларига ишонишга тайёрлик, янги ва ноодатийни қабул қилиш;
- аниқлик ва ҳал этиб бўлмайдиган вазиятларга толерантлик, бу вазиятларда конструктив фаоллик;
- ривожланган эстетик туйғу, гўзалликка интилиш.

Я.А. Понамарёв фикрича [2], креативлик билан иккита шахсиятли сифат кўшилган бўлади, чунончи: изланиш мотивациясининг жадаллиги ва тафаккур жараёнида юзага келадиган ёнаки тузилмаларга сезгирлик.

Мак-Кинноннинг қараши алоҳида қизиқиш уйғотади: у иқтидорли одамларнинг ажралиб турувчи хислатлари қаторида зиддиятли ахборот билан самарали ишлаш қобилиятини кўрсатади.

Одамнинг олами ўз тасавурида бўлиши мумкин бўлган зиддиятларга онгли тайёрлиги англамайдиғанни идроклаш бўсағасини камайтиради, буни натижасида ахборотни онг остда қайта ишлаш маълумотларни англашга кўпроқ яқин бўлади. Шунинг учун субъектнинг бирор бир ахборотни у воқеликка мувофиқмаслиги тўғрисида биринчи шубҳа туғилганидаёқ ташлаб юборишга эмас, балки зиддиятликка қабул қилишга илк тайёрлиги муаммонинг ўзини англашга ёрдам берадиган жуда муҳим эвристик фактордир.

Онг ост даражасида ҳар хил турдаги стереотиплар, барқарор тасаввурлар таъсирининг сусайиши содир бўлади. Бу тасдиқнинг тўғрилигига кашфиётларнинг уйқуда ёки уйқу билан уйғониш орасидаги таъсирда амалга ошиши онгнинг ўзгарган ҳолатларидаги (масалан, гипноз, психотрон воситалар таъсиридаги) ижодиёт гувоҳлик беради.

Юқори ижодий салоҳиятли шахслар учун бошидан ёки шахсиятнинг индивидуал қарор топиш жараёни натижасида психологик ҳимоя механизмларининг кучсизланиши хосдир деб тахмин қилиш мумкин. Шундай

қилиб, ижодкор шахсга ўз онг остидан маълум маданиятга руҳсат этиладиган деб тан олинадиган ва одам қабул қилган ва ўз қадриятлар тизимига киритган “тўғри”, “ахлоқий” мотивларга тўғри келмайдиган образли ахборотни идроклаш ва қабул қилиш жасурлиги талаб қилинади. Бу ҳақда Мак-Киннон[1] нинг ўзи бундай дейди: “ижодкор шахснинг энг буюк белгиси, унинг ички моҳиятининг бош хислати- бу маълум жасурликдир. Креатив шахсиятнинг ички ўрни бўлган шахс жасурлиги, ақл ва руҳ жасурлиги, психологик ва маънавий жасурлик: умум қабул қилинганни шубҳа остига олиш жасурлиги, яхшироқни яратиш учун бузувчи бўлиш жасурлиги; ҳеч ким ўйламаганни ўйлаш жасурлиги; ичидан ва ташқаридан идроклаш ва очиқ бўлиш жасурлиги; логикага эмас, интуицияга амал қилиш жасурлиги; Жамоатчиликда четда туриш ва агар зарур бўлса, у билан конфликтлашиш жасурлиги; ўзлигини таниш ва шундай бўлиш жасурлиги”.

Айрим тадқиқотчилар ижодкор шахсларнинг чидам ва ишчанлик каби хусусиятларига етакчи роль беришган. Масалан, А.Пуанкаре бундай ёзган эди: “ғайри шуурий иш, агар ундан олдин ва кейин онгли иш келган ҳолдагина бўлиши мумкин ва ҳеч бўлмаганда самаралидир”.

У шунингдек, ғайришуурий ғояларни топишда ўзига хос фактор бўлиб хизмат қиладиган эстетик ҳиссиётга ҳам катта аҳамият берган эди.

- 1) амалий таклифларни ишлаб чиқаришга доир топшириқлар;
- 2) муаммоли масала ва вазиятларни ҳал қилишга оид топшириқлар;
- 3) саволларни қўйиш ва масала ёки топшириқларни ифодалашга доир топшириқлар;
- 4) шахсий кузатишларга асосланган ҳолда ечимни топишга оид топшириқлар;
- 5) шахсий мулоҳазага асосланган ҳолда ечимни топишга доир (рационал ечимга асосланган) топшириқлар.

Шахс креативлигини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омиллар:

- ўзини таваккал қилишдан олиб қочиш;
- фикрлаш ва хатти-ҳаракатларда қўполликка йўл қўйиш;
- шахс фантазияси ва тасаввурининг юқори баҳоланмаслиги;
- бошқаларга тобе бўлиш;
- ҳар қандай ҳолатда ҳам фақат ютуқни ўйлаш

Барча ижодкор шахснинг энг муҳим хислатининг қисқа ифодасини В.Н.Дружинин келтирган [1]. “Ижодкор одамларда кўпинча етук тафаккур, чуқур билимлар, хилма-хил қобилиятлар, кўникмалар ва малакалар



хамда атроф воқеликка қарашларда, хулқ-атворда ва ишларда ўзи хос “болалик” хислатлари ғаройиб тарзда қўшилиб кетган бўлади”.

Адабиётлар:

1. Дружинин В.Н. Психология общих способностей - СПб.: Питер Ком, 1999. - 368 с.: (Серия «Мастера психологии»).
2. Пономарев Я.А. Психология творчества. - М.: Издательство «Наука», 1976. - 302 с.
3. Солсо Р.Л. Когнитивная психология. - Пер. с англ. - М.: Тривола, 1996. - 600 с.: ил.
4. MacKinnon D.W. Creativity: a multi-faceted phenomenon [WWW document]. URL <http://www.rsad.edu/~ccjones/0102/sophcd/readings/creativity.html>
5. Torrance E.P. Causes for Concern. Creativity. Selected Readings / Edited by P.E. Vernon. Harmondsworth: Richard Clay (The Chaucer Press) Ltd, 1975 P. 355-371.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада иждокор шах ва унинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек шахс иждодий тафаккури ва креатив шахни шакллантириш уни шакллантириш йўллари ҳақида мутахассисларни фикрлари, креатив шахсни шакллантиришда тўскинлик қилувчи омиллар ҳақида маълумотлар берилган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье представлена информация о творческой личности и ее специфических характеристиках, а также о творческом мышлении личности и способах формирования творческой личности, мнения специалистов, факторы, препятствующие формированию творческой личности.

SUMMARY

This article provides information about the creative personality and its specific characteristics, as well as about the creative thinking of the individual and the ways of forming a creative personality, the opinions of specialists, factors preventing the formation of a creative personality